

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯГОНА ЕР СОЛИФИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қ.Р. Рахмонов – и.ф.н, доцент, З.С. Файзуллаев – магистрант.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти

### Аннотация

Мақолада ягона ер солиғини қишлоқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти, ягона ер солиғи ҳамда ерларнинг норматив қийматини аниқлаш тизимларининг ўзаро боғлиқлиги ва таҳлили, ягона ер солиғининг қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишдаги ўрни ва ягона ер солиғи тизимидағи маълум камчиликлар ёритиб ўтилган. Тадқиқот давомида амалдаги ягона ер солиғи тизимини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган ҳамда улар асосида таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** ягона ер солиғи, солиқ тизими, ерларнинг норматив қиймат баҳоси, солиқ имтиёzlари, фойданинг капиталлашув даражаси, ер рентаси, қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ЕДИНОЙ ЗЕМЕЛЬНОЙ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В ИСПОЛЬЗОВАНИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ

### Аннотация

В этой статье рассмотрены вопросы места и значение единого земельного налоговой системы в сельском хозяйстве , анализ и взаимодействие систем единого земельного налога и определения нормативной стоимости сельскохозяйственных земель, место единого земельного налоговой системы в улучшении мелиоративного состояния земли и повышения продуктивности почвы, а также раскрыты недостатки единой земельной налоговой системы. В ходе исследования были рассмотрены вопросов улучшения единого земельного налоговой системы на практике и на их основании даны рекомендации и советы.

**Ключевые слова:** единый земельный налог, налоговая система, нормативная оценка земли, налоговые льготы, уровень капитализации доходов, земельная рента, производители сельскохозяйственной продукции.

## IMPROVEMENT OF UNIFIED LAND TAX SYSTEM IN USE OF AGRICULTURAL LAND

### Abstract

This article considered the issues of the unified land tax system in agricultural sector, analysis and interaction of the unified land tax systems and the determination of the normative value of agricultural land, the place of the unified land tax system in improving ameliorative condition of lands and increasing soil productivity, and also reveals the shortcomings of the unified land tax system. During the research, issues of improving the unified land tax system in practice and based on these recommendations and suggestions were given.

**Key words:** unified land tax, tax system, normative assessment of land, tax incentives, level of capitalization of incomes, land rent, producers of agricultural products.

**Кириш:** Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Республикашимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат тармоқларини эса хом ашёга бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, экспорт салоҳиятини оширувчи истиқболли манбалардан бири саналади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи Республикашимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йуналишларидан биридир.

Қонунчилигимизда ерларни табиий ресурс, ишлаб чиқариш манбаи нуқтаи назаридан муҳофаза қилиш назарда тутилган бўлиб, табиий обьект сифатида тупроқни ва тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилишга қаратилган нормалар ҳозирда ўз самарасини бермаяпти. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш масаласи тобора муҳим муаммога айланиб бораётганлиги, тупроқ унумдорлигини оширишнинг қонуний асосларини янада чукурроқ таҳлил қилиш орқали қонун хужжатларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Мамлакатимизда аграр соҳанинг барқарор ривожланишида қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда ҳамда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириб боришини рағбатлантиришда ягона ер солиги ва амалдаги солиқ тизими дастлабки ва асосий унсурлардан бири ҳисобланади.

Амалдаги солиқ тизими кишлоқ хўжалигигида иқтисодий ислоҳатларни кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши, натижада у ер ресурсларидан фойдаланишнинг салбий оқибатларига олиб келмасдан, балки улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ва хўжалик муносабатларини ижтимоий адолат сари ҳаракатланишига ҳамда ерларнинг сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатиши керак.

**Тадқиқот мақсади:** Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда ягона ер солиги механизмини таҳлил қилиш, тадқиқот натижасида ягона ер солиги механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот услубиёти:** Мақолада қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ерларнинг сифатини яхшилашда амалдаги ягона ер солиги тизими, қонунчилигимизда мавжуд қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига берилган имтиёз ва рағбатлантириширлар ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив киймат баҳосини ҳисоблаш тартиби таҳлил этилган. Шунингдек мақолани ёритишда қиёсий таҳлил, мантиқий, абстракт муаммога тизимли ёндашув каби усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари:** Маълумки, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ер ресурслари ва ушбу ерлардан фойдаланиш тизими ўзининг қатор ҳусусиятлари билан бошқа мақсадларга мўлжалланган ер ресурслари ва улардан фойдаланиш тизимидан фарқ қиласди. Қишлоқ хўжалигига ер ресурсларидан фойдаланиш ва унинг натижалари бевосита бошқа ресурслардан фойдаланиш билан ҳам функционал тарзда тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бундай ҳолат обьектив қонуният ҳисобланади ва у ер солиги тизими, айниқса “ягона солик”нинг назарий ва методологик асосини ташкил этади ва амалий жиҳатдан у солиқ солиш механизмини белгилаш орқали татбиқ этилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерларга солик солиш механизми ушбу ерларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва роли ҳамда ижтимоий аҳамиятини, мазкур тармоқда ер ресурсларининг, айниқса сугориладиган ерларнинг чекланганлиги, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига мутаносиб равища иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилиши зарур. Бундай механизмнинг моддий асосини қишлоқ хўжалигига шаклланадиган рента даромадлари ташкил қиласди ва энг муҳими бу ерда ер солиги, ер ижараси ва ер рентасининг ўзаро боғлиқлиги таъминланиши орқали ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни адолатли ва самарали тизими жорий қилинади. Бунда,

биринчидан, ер солиfinи ва ер ижараси ҳақини ер рентаси миқдори кўрсаткичидан келиб чиқсан холда ўрнатиш лозим иккинчидан, ўрта ва нисбатан яхши шароитлардаги ердан фойдаланувчилар учун белгиланган тўловлар дифференциал рентага боғлиқ холда ҳисобланishi лозим. Ушбу механизмнинг амалий мазмун-моҳияти шундаки, ерга хусусий мулкчилик шароитида ер ижараси ҳақи ер рентаси билан тенг бўлиши, ер солиfi эса ижара ҳақидан ошмаслигини тақозо этса, ерниng хусусий мулкдори ердан ўзи фойдаланган тақдирда эса, ер солиfi ер рентасидан катта бўлмаслиги ерга хусусий мулкчиликни амалга оширишнинг иқтисодий мақбул ва адолатли механизми шаклланишига замин яратади. Мамлакатимизда ерга давлат мулкчилиги амал қилишини инобатга олиб, қишлоқ хўжалигида ер рентаси муносабатларининг моддий асосини илмий жиҳатдан тавсифлаш тақозо қиласди. Демак, бунда ер рентаси билан ер ижараси ҳақи ва ер солиfi бир-бирига ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу каби илмий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида (28-модда) ҳам кузатилади. Лекин ушбу Кодексда “ер ижараси ҳақи билан ер солиfi тенглаштирилади” дейилган бўлсада, уларнинг ер рентасига тенглигини ифодалайдиган норма қайд этилмаган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ягона ер солиfi тизимини таҳлил қилсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиfinи жорий этиши тўғрисида”ги ПФ-2086-сон фармонига асосан 1999 йилнинг 1 январидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиfi жорий этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 362-моддасига мувофиқ, ягона ер солиfi тўловчилари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба экспериментал хўжаликлари ҳамда таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари ҳисобланади.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган корхоналарга ягона ер солиfi ерининг “норматив қиймати”га нисбатан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарорига асосан ягона ер солиfi ставкаси норматив қийматдан 0.95% қилиб белгиланган. Кўриниб турибдики, солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солиш базаси ҳисобланади. Ерларнинг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 28 августандаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини таомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” Низомга асосан аниқланади. Ягона ер солиfi тизими қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш, ердан фойдаланувчилар – қишлоқ хўжалик корхоналарини солиқка тортиш механизмини соддалаштириш, табақалашган тарзда солиқка тортиш оқибатида улар учун бир хил шароитларни таъминлаш, бюджет даромадларини барқарорлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш функциясини бажариши ва, энг муҳими, жамиятда ер муносабатларини ижтимоий адолат сари йўналтириши керак.

Шу нуқтаи назардан, экин майдонларини норматив қийматини аниқлаш тартибидаги қуйидаги камчиликлар мавжуд эканлигини айтиш мумкин:

– “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” Низомига асосан, дехқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ўртача йиллик нархлари ва ҳар бир қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиси бўйича олдинги йил учун қишлоқ хўжалик экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида аниқланади. Бироқ, 2017 йил учун статистик маълумотлар 2018 йилда аниқланади натижада, 2017 йил учун аниқланган статистик

маълумотлар кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фойдаланишида бўлган ерларнинг норматив қиймат баҳосини аниқлашда 2019 йилда фойдаланилади ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари шу асосда ягона ер солигини тўлайдилар. Шу нуқтаи назардан, 2 йил муддат давомидаги иқтисодий ўзгаришлар инобатга олинмайди масалан, нарх-навонинг ўзгариши, инфляция даражаси ва ҳ.к.

– “Кишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” Низомига асосан сугориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини ҳисоблаб чиқиша фойданинг капиталлашув даражаси 5% қилиб белгиланган. Ҳозирги вақтда Республикаизда инфляция кўрсаткичи 14.4%ни (*2017 йил ҳолатига*), бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1%ни, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси 14%ни ташкил қилишини инобатга олсак, бу меъёрни иқтисодий томондан асослаш ва мақбул капиталлашув даражасини белгилаш мақсадга мувофиқдир;

– экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга умуман олганда, ерлардан самарали фойдаланишга йўналтирувчи иқтисодий рағбатлантириш механизми жорий этилмаган.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги ягона ер солигини ҳисоблаш тартибida қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга харакатлантирувчи йўналишлар ҳисобга олинмаган бўлиб аксинча, ягона ер солигини ҳисоблашда тупроқнинг бонитет балли ва белгиланган коэффициент, кўрсаткичлар билан аниқланади. Кўриниб турибдики, тупроқнинг бонитет бали ошган сари ягона ер солиги ҳам ортади. Аммо, қонунчилигимизда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини ундирилишида қўйидаги имтиёзлар мавжуд:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекснинг 282-моддасининг 23-бандида қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида; 24-бандда мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд сугориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга; 25-бандда янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар егаллаган ерлар, дараҳтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишидан қатъий назар, уч йил муддатга; 367-модданинг 2-хатбошида белгиланган юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб сугоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб сугориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга ягона ер солиги тўлашдан озод этиладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 82-моддаси билан юқоридаги имтиёзлар ва қўшимча рағбатлантириш йўналишлари белгиланган.

Юқорида келтириб ўтилган қонунчилигимиздаги имтиёзлар, рағбатлантиришлар ва Республикаиз бюджетидан ҳар йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини тиклаш ва яхшилаш мақсадлари учун сарфланаётган катта миқдордаги маблағларга қарамай (*сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси томонидан 2017 йилда жами 253.7 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланган*) Республикаиз ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги турғун ҳолатдадир (*2008-2017 йилларда Республика бўйича ўртacha 55 бонитет бални ташкил қиласди*). Бунга сабаб қилиб тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган аниқ иқтисодий рағбатлантириш мавжуд эмаслиги ва юқорида келтирилган имтиёзларни амалда кўллаш механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда ягона ер солиги ундирилишидаги камчиликларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ердан фойдаланувчилар экин майдонларининг тупроқ бонитет бали қанчалик юқори бўлса, улар шунчалик кўп миқдорда ягона ер солиги тўлайдилар. Ердан фойдаланувчилар тупроқнинг бал бонитетини ошириш ва ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилашдан манфаатдор эмаслиги, аксинча улар ерларнинг тупроқ бонитет балини оширишга кетган харажатлари ва яна ягона ер солигига қўшимча маблағ сарфлашни исташмайди. Шу сабабли, ҳозирда 150 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари жами 13 730 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиб келинаётганлигини инобатга олиб, мамлакатимиз иқтисодиёти учун қимматли ва аҳамиятли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сифати йилдан йилга ёмонлашиб бормоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, ягона ер солигини ҳисоблаш тартиби ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида қўйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Солиқ кодекси ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун имтиёзларни амалда қўллашнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 369-моддасига биноан, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ягона ер солигини ҳисобот йилининг 1 сентябригача — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи, ҳисобот йилининг 1 декабригача — солиқнинг қолган суммасини тўлаши лозимлиги белгиланган. Бироқ, пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларига асосан фермер хўжаликлариға тегишли маблағларнинг 90 фоизи жорий йилнинг якунига қадар, қолган 10 фоизи келгуси йилнинг 1 апрелига қадар тўлаб берилиши белгиланган. Амалда фермер хўжаликлариға 1 сентябрга қадар тўловлар амалга оширилмаётганлиги оқибатида, улар ушбу муддатга қадар солиқни тўламаганлиги учун қўшимча пеня тўлашга мажбур бўлмоқда. Юқоридаги сабабга кўра, ягона ер солигини тўлаш муддатларини ёки пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларида белгиланадиган муддатларни бир-бирига мувофиқлаштириш лозим. (2017 йил 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларининг солиқ ва давлат мақсадли жамгармаларидан 310,5 млрд. сўм асосий ва 30,6 млрд. сўм пенядан қарздорлиги мавжуд.)

– ягона ер солигини ундиришда регрессив солиқ ставкасидан фойдаланиш яъни, ерларнинг тупроқ бонитет бали ошган сари ягона ер солиги ставкаси камаювчи тизим жорий этиш;

– суғориладиган ерларнинг норматив қийматини ҳисоблашда ерларнинг тупроқ унумдорлигини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий мустаҳкамлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида ерларнинг норматив қийматини ҳисоблаш тартибига рағбатлантирув коэффициентни ( $K_p$ ) киритиш;

Масалан, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи ўзининг даромади ҳисобидан эрозига қарши тадбирларни амалга оширса, коллектор-дренаж тармоғини тозаласа, тупроқ унумдорлигини оширувчи тадбирларни амалга оширса, ерларнинг тошини терса ёки янги ерларни ўзлаштириш учун сарф-харажат қилинганида, ушбу қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан ерларнинг норматив қийматини ҳисоблашда рағбатлантирувчи коэффициентни кўллаш мақсадга мувофиқдир чунки шу йўл билан мамлакатимиз учун қимматли бўлган суғориладиган ерларнинг табиий-технологик ҳолатини яхшилашни кўллаб-куватлашни самарали ташкил этиш мумкин. Мисол учун: Тошкент вилояти, Ўрта-чирчик туманида фаолият юритаётган “NARIMON AGRO FAYZ” фермер хўжалиги фойдаланаётган жами 26.96 га ернинг норматив қиймат баҳоси 389 206 102 сўмни ташкил этади. Ўз навбатида фермер хўжалиги ўз фойдаланишида бўлган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ёки тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширди, айтайлик у ўзининг даромади ҳисобидан 9 млн. 400 минг сўмга коллектор зовурини тозалатди ҳамда 17 млн. 750 минг сўмга тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида ерларга биогумус билан ишлов берди. Демак, фермер хўжалиги ўз ҳисобидан жами 27 млн. 150 минг сўм сарфлаган.

Таклифга мувофиқ, рағбатлантирувчи коэффициентни ( $K_p$ ) қўллаган ҳолда ернинг норматив қиймати қўйидагича хисоблаш мумкин:

Экин ерларининг норматив қийматини хисоблашда қўйидаги коэффициент ва кўрсаткичлардан фойдаланилди:

- минтақавий коэффициент 1.2 ( $K_1$ );
- сұғориш учун сув чиқариш усули ҳисобга олинадиган коэффициент 1% ( $K_2$ );
- ҳосил нобуд бўлишини ҳисобга олиш коэффициенти 0.967% ( $K_3$ );
- ҳисоб чиқиладиган фойданинг капиталлашув фоизи 5% ( $\Pi$ );
- рағбатлантирувчи коэффициент 0.666% ( $K_p$ );
- 1 га сұғориладиган ҳайдов ердан олинадиган фойданинг ҳисоблаб чиқилган миқдори 934 002 сўм ( $P_{пр}$ ).

*Изоҳ: сұғориладиган ҳайдов ердан олинадиган фойда миқдори Низомга асосан, қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив унумдорлиги, қишлоқ хўжалик экинларининг норматив ҳосилдорлиги, деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тегишили турига ўртача йиллик нарх, минг сўм/ц, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг харид нархи минг сўм/ц, тупроқ сифати турлича бўлган ерларда турли хил экинлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарииши фойдасининг ҳисоблаб чиқилган миқдори, экин майдонининг миқдори га, тупроқнинг бонитет бали кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланган формулалар асосида ҳисобланади.*

Рағбатлантирувчи коэффициентни киритиш ва ҳисоблашда турли хил йўналишлардан фойдаланиш мумкин (1-илова). Биз мазкур коеффициентни сұғориладиган ерларнинг норматив қийматини аниқлашда фойдаланамиз. Яъни, сұғориладиган ҳайдов ернинг норматив қиймати формуласига  $K_p$  рағбатлантирувчи коэффициентни киритамиз ушбу ҳолатда формула қўйидагича ифодаланади:

$$C_h = \frac{P_{пр} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_p}{\Pi} \times 100$$

Демак, киритилган ( $K_p$ ) рағбатлантирувчи коэффициент миқдорини аниқлаш учун фермер хўжалиги томонидан барча сарф-ҳаражатлар миқдорини ер майдонига (гектарига) бўламиз натижада 1 га ер майдони учун сарфланган маблағ келиб чиқади ( $27\ 150\ 000/26.96=1\ 007\ 047$ ) ва 1-иловага мувофиқ коэффициентни аниқлаймиз (0,666).

Ҳисоблаймиз:

$$C_h = \frac{934002 \times 1.2 \times 1 \times 0.967 \times 0.666}{5\%} \times 100 = 14\ 436\ 428.1 \text{ сўм.}$$

Фермер хўжалиги фойдаланишидаги умумий ер майдонининг норматив қиймати ( $14\ 436\ 428.1 \times 26.96 \text{ га}$ ) 389 206 102 сўмга teng.

Ҳисоб-китобдан қўриниб турибдик, раҳбатлантирувчи коэффициент натижасида умумий ер майдонининг норматив қиймати 195 187 442 сўмга пасайди, натижада фермер ягона ер солигини 5 551 738.67 сўм эмас 3 697 457.97 сўм миқдорда тўлайди. Рағбатлантирувчи коэффициентни қўллаш жараённида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ерларнинг сифатини оширишга сарфланган маблағ миқдори, экин ерининг миқдори (гектари) ва ушбу коэффициентни қўллаш муддатини инобатга олиш зарур шунингдек, ушбу жараённи тўғри ташкил қилиш учун туман комиссияси ташкил этилиши, ушбу комиссиянинг хуносасига асосан қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига рағбатлантириш коэффициенти белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса:** юқоридаги таҳлилларга асосланиб, ягона ер солиги механизми ва ерларнинг норматив қийматини баҳолаш тизимидағи кўрсатилган камчиликларни бартараф этилиши, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиравчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни амалиётга тўлиқ жорий қилиш ҳамда

уларни иқтисодий рағбатлантиришни кенгайтирилиши мамлакатимиз учун қимматли ва аҳамиятли бўлган қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга ҳамда ердан самарави фойдаланишга йўналтирувчи тизим шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг сифати яхшиланишига, ердан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмини ортишига натижада, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экспорт ҳажмини ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

## **1-илова**

### **Қишлоқ хўжалиги ерларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни рағбатлантиришда ҳисобга олинадиган коэффициентлар**

<b>№</b>	<b>Сарфланган маблағ микдори, минг сўм га</b>	<b>Коэффициент</b>
<b>1.</b>	...–1000	0.700
<b>2.</b>	2000	0.666
<b>3.</b>	3000	0.662
<b>4.</b>	4000	0.658
<b>5.</b>	5000	0.654
<b>6.</b>	6000	0.650
<b>7.</b>	7000	0.646
<b>8.</b>	8000	0.642
<b>9.</b>	9000	0.638
<b>10.</b>	10 000	0.634
<b>11.</b>	11 000	0.630
<b>12.</b>	12 000	0.626
<b>13.</b>	13 000	0.624
<b>14.</b>	14 000	0.620
<b>15.</b>	15 000	0.616
<b>16.</b>	16 000	0.612
<b>17.</b>	17 000	0.608
<b>18.</b>	18 000	0.604
<b>19.</b>	19 000	0.600
<b>20.</b>	20 000	0.596
<b>21.</b>	21 000	0.594
<b>22.</b>	22 000	0.592
<b>23.</b>	23 000	0.588
<b>24.</b>	24 000	0.584
<b>25.</b>	25 000	0.580
<b>26.</b>	26 000–...	0.500

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонун). – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент: Адолат, 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент: Адолат, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сон Қарори (2017 йил 29 декабрь).
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сон Қарори (2014 йил 18 август).
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сон Қарори (2018 йил 28 февраль).
7. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми. Тошкент: Фан, 2009. (97, 98, 111 бетлар).
8. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдураҳмонов О. Солиқ ва солиққа тортиш. Тошкент: Норма, 2009. (125 бет).
9. “Иrrigation va Melioration” илмий-амалий, аграр-иктисодий журнали. 2018.
10. Интернет манбаалари: [www.lex.uz](http://www.lex.uz), [www.uza.uz](http://www.uza.uz), [www.kun.uz/111839](http://www.kun.uz/111839) [www.sputniknews-uz.com/economy/20180109/7227756.html](http://www.sputniknews-uz.com/economy/20180109/7227756.html), [www.uza.uz/oz/business/markaziy-bank-ayta-moliyalash-stavkasi-14-foiz-mi-dorida-old-08-02-2018](http://www.uza.uz/oz/business/markaziy-bank-ayta-moliyalash-stavkasi-14-foiz-mi-dorida-old-08-02-2018)